

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзбекистон республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев тавсиялари ва кўрсатмаларини амалга ошириш мақсадида 2017 йилнинг 27 март санасида Россия Федерацияси Москва шаҳридаги Н. Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий марказида Ўзбекистон онкологлар Ассоциацияси ва Россия онкологлар Ассоциацияси ўртасида келишув меморандуми имзоланди.

Ушбу Меморандум Ўзбекистон томонидан Республика онкологлар Ассоциацияси раиси, Республика онкология илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тилляшайхов Мирзағолиб Нигматович ва Россия Федерацияси томонидан Россия онкологлар Ассоциацияси Раиси, Россия фанлар академияси ва Россия тиббиёт фанлари академияси академиги, Н.Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Давидов Михаил Иванович томонларидан имзоланди.

Маълумот учун: Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.Н.Блохин номидаги онкология илмий маркази нафақат Россия ва Европадаги, балки дунёнинг энг йирик онкологик клиникаларидан бири ҳисобланиб, ушбу муассаса асосчиси ва биринчи директори Николай Николаевич Блохин номига аталган. 2001 йилдан ушбу марказни РФА академиги, профессор, Россия бош онколог Михаил Давидов бошқариб келади. Марказ базасида тиббиёт академияси ва университетларнинг 8 та кафедраси мавжуд. Марказда 3500 дан ортиқ киши фаолият юритиб, уларнинг 6 нафари академик, 7 нафари корреспондент аъзоси, 89 профессорлар ва 225 дан ортиқ фан докторлари ҳисобланади.

Ушбу келишув Меморандумини имзоланишидан мақсад, тиббий таълим, ихтисослаштириш, тиббий кадрлар малакасини ошириш, аспирантура ва докторантура, илмий-текшириш ишлари, тажриба алмашиш борасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича Ассоциациялар кучларини жамлашдир.

Имзоланган Меморандум доирасида Ўзбекистонга Н. Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий марказидан онколог мутахассислар делегацияси ташриф буюришди. Ушбу ташриф жорий йилнинг 30 мартидан 5 апрелгача давом этиши режалаштирилган.

Ташриф давомида Республика онкология илмий маркази раҳбарияти ва етакчи мутахассислари билан учрашув ташкил қилинди. Шундан сўнг мутахассислар Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти, Андижон ва Самарқанд вилояти онкология диспансерларига ташриф буюришди. Мехмонлар марказ ва ҳудудий онкология муассасалари фаолияти, республикада онкология хизмати ташкил қилинганлик даражаси билан яқиндан танишишди. Вилоятларда 50 дан ортиқ беморлар кўриги ўтказилди, Андижон ва Самарқанд маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар амалга оширишди.



Манзил: Ўзбекистон, 100174, Тошкент, Фароби кўчаси, 383
Телефон: +998 71 227 16 99
Email: info@aouz.uz
aouz.uz | jaouz.uz

Россиялик мутахассислар Республика онкология илмий марказида республикамизда hozirgi кунда долзарб бўлган мавзуларда махорат дарслари ўтишди ва семинарлар ташкил қилишди. Бундан ташқари, кўкрак беши, пешоб чиқариш аъзолари хавфли ўсмалари ва лимфопрлифератив тизим касалликлари билан оғриган беморларни кўриқдан ўтказишди.

Ушбу ташриф доирасида шифокорларни ўқитиш ва малакасини ошириш, саратонга қарши миллий дастурларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ҳамкорликда ишлаш, ҳамда, онкология хизматида информацион технологияларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича дастурларни ҳамкорликда бажариш бўйича келишиб олинди.

Тадбир давомида Ўзбекистонлик ва Россиялик мутахассислари онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари бўйича ўзаро илмий ва амалий нуқтаи назардан фаол равишда фикр ва тажриба алмашишди.

Ушбу илмий-амалий тажриба Россиялик мутахассислари билан доимий равишда олиб борилишига келишилди.

